



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

2023 МАХСУС



С Е Р В И С

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

2023 йил, Навоий вилоятининг туризм соҳаси муаммоларига бағишланган МАХСУС СОНИ

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда 0561-рақам билан рўйхатга олинган.
ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

Таҳририят ижодий жамоаси:
Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир ўринбосари:
профессор Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
профессор М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:
М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:
Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:
Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудири, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Л.Н.Халикова– СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Дильбар Хасановна Асланова, Фируз Фахритдинович Зохидов Навоий вилоятининг Хатирчи, Нурота ва Қизилтепа туманларининг туристик салоҳияти ва уларда хизмат кўрсатиш имкониятларини оширишга доир таклифлар	80
Машҳура Тоирхоновна Алимова Навоий вилоятида туристик кластерни шакллантириш концепцияси	84
Сарвар Адхамович Абдухамидов, Рахматулла Ҳайитбоев Навоий вилоятида зиёрат туризмини ривожлантириш	91
Nurali Eshniyazovich Ibadullayev, Soxiba Abdugafurovna Sayfutdinova Navoiy viloyatining turistik-rekreatsiya obyektlaridan samarali foydalanish asosida rekreatsion turizmni rivojlantirish yo‘llari	96
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Charos Tolmasbek qizi Mansurjonova Navoiy viloyatida turizmning biznes turini tashkil etish	100
Диёр Ҳақбердиевич Холмаматов Навоий вилоятида экотуристик маршрутларни шакллантириш имкониятлари	103
Orzigul Qilichova, Dilfuza Norkulova Navoiy viloyatida etnografik turizmni rivojlantirish orqali mavsumiylikni kamaytirish yo‘llari	107
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova Opportunities for the development of international tourism in Navoi region	110
Рахматулла Ҳайитбоев Навоий вилоятида ички ва халқаро туризмни ривожлантиришнинг дастурлари	113
Искандар Суюнович Тухлиев, Моҳинур Жалолиддиновна Раҳимова Навоий вилоятида ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш хусусиятлари	118
Gulmira Rabbonovna Tursunova Navoiy viloyatining etnografiyasi va nomoddiy merosi -etnografik turizmning elementi sifatida	122
Mubin Xabibjonovich Xamitov Mehmonxona servis xizmatlaridan samarali foydalanishda mijozlarning sodiqlik dasturi mexanizmlarini takomillashtirish	130
Фируз Фахритдинович Зохидов Навоий вилояти туризмининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда янги туристик объектлардан фойдаланиш (Қадимги гидротехника воситаси коризлар мисолида)	137
Сарвар Адхамович Абдухамидов Ҳудудларнинг туризм турларига ихтисослашувини аниқлаш ва жозибадорлигини баҳолаш омиллари	140
Собир Худойбердиевич Махмудов Тарихий-маданий туризм ва ундан Навоий вилоятида фойдаланиш истиқболлари	146
Бахриддин Бурибоевич Рахматов, Шохида Бахриддиновна Рахматова Туристик салоҳият ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш истиқболлари (Навоий вилояти мисолида)	150
Aziza Pirmamatovna Maxmudova Navoiy viloyatida faoliyat yurituvchi joylashtirish vositalarining samaradorligini oshirishda mavsumiylik omilining ta’siri va uni bartaraf etish yo‘llari	153
Nozima Ashurovna Mamadalieva, Risolat Abdullaevna Islomova, Hazratqul Usmonkulovich Suyarov Bozor sharoitida hududiy rivojlanish jarayonlarida agro turizm muammolarning yechimlari	156
Zafar Odilovich Raximov, Mirvoxid Isroil o‘g‘li Daminov Navoiy viloyati xatirchi tumani turistik destinatsiyasi va undan foydalanish yo‘nalishlari	161
Nurali Eshniyazovich Ibadullayev, Yodgora Mamasayidovna Sunnatova Navoiy viloyatida ekologik turizmning tutgan o‘rni va rivojlantirish istiqbollari	165

5. Коризларга доир маълумотларни ОАВда кенг ёритилиш.

Ички туризм ривожланиши учун шароит ва имконият яратувчи ҳудуднинг моддий-техник салохияти ҳолатини бешта асосий унсурдан ташкил топиб, бунда жойлаштириш воситалари, умумий овқатлантириш корхоналари, транспорт, дам олиш объектлари, шунингдек, ички туризм соҳасида фаолият юритиб келаётган туристик корхоналар фаолияти самарадорлиги соҳанинг ривожига таъсир қилади. Уларнинг фаолиятини самарадорлигини ошириш орқали, ҳудудиннг ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси туризм тўғрисидаги Қонуни ЗРУ – 549 от 18.07.2019 // https://lex.uz/ru/
2. “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрдаги фармони
3. https://tourlib.net/wto/WTO_highlights_2020.pdf
4. https://www.e-unwto.org/doi/epdf/10.18111/wtobarometerrus.2021.19.1.1

Ф.Зохидов

Использование новых туристических объектов в повышении социально-экономической эффективности туризма в Навоинской области (на примере древних гидротехнических сооружений Коризов)

Аннотация: в статье говорится о проблемах использования новых туристских объектов и их решениях в качестве повышения социально-экономической эффективности туризма в Навоинской области. В статье дана информация о «Коризах» - древних гидротехнических сооружениях, их значении в туризме Навоинской области в качестве туристического объекта, увеличении количества дней пребывания в регионе путем внедрения их в качестве объектов посещения, о повышении социально-экономической эффективности, озвучены вопросы связанные с современным состоянием гидротехнических сооружений и туристические перспективы, связанные с ними.

Ключевые слова: гидротехнические средства - кориз, туристская инфраструктура, влияние туристской инфраструктуры на развитие туризма, туристический продукт, увеличение количества дней пребывания туристов в Навоинской области

F.Zokhidov

The use of new tourist sites in increasing the socio-economic efficiency of tourism in the Navoi region (by the example of ancient hydraulic Kariz structures)

Abstract: The article talks about the problems of using new tourist facilities and their solutions to improve the socio-economic efficiency of tourism in the Navoi region. The article provides information about “Korizas” - ancient hydraulic structures, their importance in tourism of the Navoi region as a tourist attraction, increasing the number of days of stay in the region by introducing them as visiting objects, increasing socio-economic efficiency, raising questions related to modern the state of hydraulic structures and tourism prospects associated with them.

Keywords: koriz, tourism infrastructure, influence of tourism infrastructure on tourism development, tourism product, increase in days of stay tourists in Navoi region

Сарвар Адхамович Абдухамидов – СамИСИ, “Туризм” кафедраси мудири, доцент

ҲУДУДЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТУРЛАРИГА ИХТИСОСЛАШУВИНИ АНИҚЛАШ ВА ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация. Мақола, ҳудудларнинг туризм турларига ихтисослашувини аниқлаш ва жозибадорлигини баҳолаш омилларига бағишланган. Унда, Ўзбекистон туристик минтақаларининг туризм турларига ихтисослашув холати, туристик-рекреацион ресурсларни баҳолаш жараёнининг босқичлари, туризм минтақасининг жозибадорлигини баҳолашда эътиборга олиш лозим бўлган тасодифий омиллар келтирилган ҳамда тадқиқот натижалари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. туризм, минтақавий туризм, туризм турлари, экотуризм, гастрономик туризм, геоахборот тизими, туристик маҳсулот, тарихий обидалар туризми, археологик туризм, рекреацион туризм, зиёрат туризм, овчилик туризми,

Кириш. Туризм минтақа ва мамлакатларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий катализатор вазифасини бажаради. Туризм иқтисодий фаолиятдан ташқари аҳолининг меҳнат қобилиятларини қайта тиклаш, самарали ишлаб чиқариш-ни йўлга қўйиш, маданий билиш ва жамиятни эстетик ривожлантириш каби қатор ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради. Ҳар бир минтақа туризмни ривожлантиришнинг потенциал зонаси сифатида туристик ресурслар ва инфратузилма, иқтисодий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, аҳолининг менталитети ва эҳтиёж-лари, демографик ва миграция жараёнлари кабиларга эга бўлиши керак. Минтақавий туризм сиёсати бутун минтақанинг ўзига хос хусусиятларини, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш даражасини, табиий, тарихий ва маданий туристик ресурсларини муҳофаза қилиш ва тиклаш муаммоларини ҳисобга олишга асосланган бўлиши лозим. Шу туфайли, бугунги кунда, туристик минтақаларнинг маълум бир туризм турларига ихтисослашувини аниқлаш ва шу асосида жозибадор ҳамда туристлар эҳтиёжларини максимал қондирадиган туристик маҳсулотларни шакллантириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Туризм соҳаси ҳамда унинг турли шакллари ва турларини ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан: А.Ю.Александрова, И.Т.Балабанов, М.Б.Биржаков, В.А.Квартальнов, А.Д.Чудновский ҳамда маҳаллий олимлардан М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Н.Т.Тўхлиев, Б.Н.Наврўз-зода, Д.Х.Асланова, Н.Э.Ибадуллаев, А.А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган. Аммо, бугунги кунда беъвосита Ўзбекистон ҳудудларини маълум бир туризмнинг турларига ихтисослашувини аниқлаш, уларнинг жозибадорлигини баҳолаш ҳамда ихтисослашув тамойилларини белгилаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Буларнинг барчаси ушбу тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Туризмнинг турли хил турлари мавжуд бўлиб, улар асосан туристлар эҳтиёжлари ва мақсадлари асосида шаклланиб боради. Туризмнинг тарихий ривожланишига эътибор берадиган бўлсак, талаб ва таклиф асосида соҳанинг доимий равишда ўзгариб турганлигини, маълум вақт оралиғида янги йўналишларининг пайдо бўлганлигини кўришимиз мумкин ва бу жараён хозирги вақтда ҳам давом этмоқда. Бугунги кунда халқаро ва ички туризм бозори амалиётидан маълумки, туризмнинг фаол ва ва ривожлантириш имкониятлари юқори бўлган, махсус туристик йўналиш ва турларига тарихий обидалар билан танишиш туризми, рекреацион туризм, зиёрат туризм, экотуризм, гастрономик туризм ва боқаларини киритишимиз мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида туристик минтақаларнинг туризмга ихтисослашуви аниқланди (1-жадвал):

1-жадвал

Туристик минтақаларнинг туризм турларига ихтисослашуви[1]

№	Туристик минтақалар	Туристик ресурслар салоҳияти	Туризм турлари
1	**Шимолий шарқий туризм минтақаси**	Тарихий-меъморий обидалар, муқаддас қадамжолари, рекреация ресурслари, сув омборлари, табиати алоҳида муҳо-фаза этиладиган ҳудудлар, шифобахш минерал сувлар, миллий таомлари	тарихий обидаларни зиёрат қилиш туризми, зиёрат туризми, экотуризм, рекреацион туризм, этнографик туризм
2	**Марказий туризм минтақаси**	Тарихий-меъморий обидалар, рекреация ресурслари, сув омборлари, табиати алоҳида муҳофаза этиладиган	тарихий обидаларни зиёрат қилиш туризми, гастрономик туризм,

[1] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

		ҳудудлар, шифобахш минерал сувлар, муқаддас қадамжолари, маҳаллий хзалқларнинг урф-одатлари ва анъаналари, табиий ландшафт-лари, ғорлар, миллий таомлари, ўзига хос жозибага эга чўл ҳудудлари	зиёрат туризми, рекреацион туризм, сафари туризми, этнографик туризм, спелеотуризм, экотуризм
3	**Шарқий туризм минтақаси**	Тарихий обидалар, миллий таомлари, рекреация ресурслари, сув омборлари, табиати алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар, шифобахш минерал сувлар, ўзигахос урф-одат ва анъаналари, миллий ҳунармандчилик, муқаддас қадамжолари	тарихий обидаларни зиёрат қилиш туризми, гастрономик туризм, зиёрат туризми, рекреацион туризм, этнографик туризм
4	**Шимолий-ғарбий туризм минтақаси**	Тарихий-меъморий обидалар, миллий таомлари, сув омборлари, табиати алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд-лари, бетакрор чўл маназаралари, маҳаллий халқларнинг урф-одатлари ва анъаналари, миллий кийимлари, муқаддас қадамжолари	тарихий обидаларни зиёрат қилиш туризми, гастрономик туризм, зиёрат туризми, рекреацион туризм, этнографик туризм
5	**Жанубий туризм митақаси**	Тарихий-меъморий обидалар, миллий таомлари, табиати алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлари, бетакрор табиат манзаралари, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, муқаддас қадамжолари, миллий халқ ўйинлари, миллий кийимлари	тарихий обидаларни зиёрат қилиш туризми, гастрономик туризм, зиёрат туризми, этнографик туризм, спелеотуризм, экотуризм

Жадвал (1-жадвал) маълумотларида кўриниб турганидек, мамлакатимизда, хусусан туризм минтақаларимизда туризмнинг деярли барча турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, бу мамлакатимизда туристларга мажмуали турпактетларни шакллантириш имкониятини яратади. Натижада, турмаршрутларни ишлаб чиқишдаги бир хиллик ҳамда туристларда пайдо бўлиши мумкин бўлган зерикиш ҳолатларига йўл қўйилмайди.

Ҳар бир минтақа мавжуд туристик-рекреацион ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳудудда яшовчи аҳолининг, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида, жумладан хорижий туристларнинг ҳам туристик-рекреацион хизматларга бўлган талабини қондиришга хизмат қилиши керак.

Минтақада туризмни ривожлантиришнинг туристик-рекреацион салоҳияти нафақат табиий, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шарт-шароитлари, балки унинг ресурс салоҳияти ва улардан минтақа имкониятларини амалга оширишда самарали фойдаланиш имконини берувчи ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантирувчи барча шарт-шароитларга боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, минтақаларнинг туризмга ихтисослашуви бўйича туристик ресурслар кадастр тизимини яратиш лозим. Бу борада, туристик геоахборот тизимлари туристик ресурслар кадастрини яратиш учун йирик платформа бўлиб хизмат қилади. Туризмни инновацион ривожлантириш илмий мактаби асосчиси, профессор И.С.Тухлиев кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борган ва ўзининг илмий-амалий қарашларини илгари сурган. Хусусан, И.С.Тухлиев муаллифлигидаги туризм атамалари луғатида “туристик ресурслар кадастри – бу умумлашган иқтисодий ёки экологик туристик ресурсларнинг истеъмол қийматини балли баҳолашдир дейилган. Кадастрни ташкил қилишдан асосий мақсад, турли минтақаларда туризмни

ривожлантиришнинг барча омиллари ва шартшароитларидан янада самарали фойдаланиш йўлларини аниқлашдан иборат”[1], деб такидлайди.

Бунинг учун кадастр барча туризм ресурсларининг мажмуали тавсифидан иборат бўлиши керак ва у қуйидиги босқиларда амалга оширилади:

- Туристик ресурслар ва жойлар ҳақида маълумотлар тўплаш;
- Туристик ресурслар ва жойларнинг салоҳиятини баҳолаш;
- Маълумотлар базасини яратиш;
- Туризм ресурслари харитасини ишлаб чиқиш;
- Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш;
- Ҳудудларнинг туристик интерактив харитасини ишлаб чиқиш;
- Туризм ресурслари кадастрини оммалаштириш.



1-расм. **Минтақаларнинг туристик ресурслари салоҳиятини баҳолаш босқичлари**

Туристик минтақаларни ташкил қилиш ва ривожлантиришда ҳудудларнинг туристик салоҳиятини баҳолаш масалалари биринчи даражали аҳамият касб этади. Туристик-рекреацион ресурсларни баҳолаш жараёни 1-расмдаги босқичлардан иборат бўлади.

Минтақанинг алоҳида ҳудудлари кесимида туристик жозибадорлигини моделлаштириш жараёни қуйидагилардан иборат:

1. Минтақани қатор туристик зоналарга ажратиш, яъни географик чегаралаш;
2. Кўриб чиқилган барча кўрсаткичларни таққослаш учун нисбий кўрсаткичларни ҳам ҳисоблаб чиқиш;
3. Ҳар бир алоҳида олинган ҳудуд бўйича интеграл кўрсаткич барча коэффициентларини умумлаштириш.

Бундай ёндашув туризм минтақасининг жозибадорлигини аниқлашнинг соддалашишига, ҳар бир алоҳида олинган зоналарда таҳлил ва тадқиқот ишларининг янада мукаммалигига, туризм минтақалари кесимида туристик хизматлар бозори шаклланиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ушбу усул туризм бозорининг мавжуд инфратузилмасини ўзида акс эттиради шунингдек, унинг алоҳида минтақаларда туризмни ривожлантириш ва жозибадорлигини ошириш бўйича потенциал имкониятларни аниқлаш имконини беради. Ушбу параметрлар туристик хизматлар бозорига киришда дастуруламал бўлиб, давлат томонидан туризмни ривожлантириш дастурлари учун асосий механизм вазифасини ўтайди. Бу кўп жиҳатдан

[1]Словарь современных терминов в сфере туризма: Справочно-методическое пособие / Авт. сост.Е.В.Голышева, Н.В.Ивонина, И.С. Тухлиев, А.П. Темирходжаев. – Самарканд: _Зарофшон_, 2018. - _407_с

минтақанинг инвестицион жозибадорлигида ҳам ўз аксини топади. Бундай таҳлилнинг якуний босқичи туризм минтақаларининг заиф томонларини аниқлаш ва келажак учун тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Ҳисоблаш натижалари асосида катта ишонч билан туризм минтақаси ва унинг алоҳида жойлари бўйича энг жозибадорини танлаб олиш мумкин бўлади.

Таъкидлаш лозимки, бундай баҳолаш учун тасодифий омилларни ҳам эътиборга олиш зарур (2-расм):



2-расм. **Туризм минтақасининг жозибадорлигини баҳолашда эътиборга олиш лозим бўлган тасодифий омиллар**[1]

Туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг бугунги босқичида Ўзбекистон, жумладан барча ҳудудларининг туристик-рекреацион салоҳиятини баҳолаш ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Туристик-рекреацион фаолиятнинг даромадлилигини таъминлашда унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали нафақат мазкур ҳудудларда яшовчи, балки бутун мамлакат, шунингдек, бошқа мамлакатлардан ҳам имкон қадар кўпроқ туристларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар. Минтақанинг туризмга ихтисослашувини аниқлаш жараёни туризм ривожланишини баҳолашнинг маркетинг таҳлили туристик хизматлар бозорининг нисбатан даромадли ва жозибадор соҳа ҳамда мақсадли бозорларини белгилайди ва туристлар оқимини ошириш орқали туризм соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Минтақавий даражада туризмни ривожлантириш кўп қиррали мажмуа хусусиятига эга. Шунинг учун минтақада туризм фаолиятини ривожлан-тиришда, уларнинг туризм турларига ихтисослашувини ташкил қилиш ва шу асосида туристик брендларни ишлаб чиқиш учун қуйидагиларнинг амалга оширилишини тавсия қиламиз, жумладан:

- туристик минтақаларнинг ресурс салоҳиятини баҳолаш, туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимларини аниқлаш, туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш;
- туристик минтақаларнинг туризм инфратузилмаси таркибидаги объектларининг ҳолатини яхшилаш ва стандартларга мослаштириш, туризмнинг турлари ва шаклларига мос инфратузилмаларни шакллантириш;
- туристик минтақалардаги туристик корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- минтақаларнинг туристик маҳсулотлари мимллий бренд даражасига олиб чиқиш,

[1] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

уларни миллий ва халқаро туризм бозорида тарғиб қилиш ва харидоргирлигини ошириш бўйича маркетинг фаолиятини амалга ошириш ҳамда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш;

- минтақавий туристик хизматлар сифатини ошириш мақсадида ташаббускор маслаҳат марказлари фаолиятларини ташкил этиш ва б..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

8. Ўзбекистон Республикаси Перезидентининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-135 сонли Қарори.

9. Александрова А. Ю. География туризма. Москва, КНОРус, 2010.-592 с.

10. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издание 9-е переработанное и дополненное.– СПб.: «Издательский дом Герда», 2007. – 576 с.

11. Ибадуллаев Н.Э., Хамитов М.Х., Абдухамидов С.А. ва б. Минтақавий туризм. Ўқув қўлланма. С.: 2020 й.-341 б.

12. Ковынева Л.В. Региональный туризм : монография, – Хабаровск : Изд-во ДВГУПС, 2005. – 12 с.

13. Косолапов А.Б. Туристское страноведение. Европа и Азия: учебно – практическое пособие. – 2-е изд., стер./ А.Б.Косолапов. – М.2006-400с.

14. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Самарқанд, СамИСИ, 2006.-140 б.

15. Тухлиев И.С., Пўлатов М.Э., Бердимуродов А.Ш. “Туризм соҳасининг замонавий атамалари изоҳли луҳати”. С.: 2019 й.

16. Болтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт”. Дарслик. Т.: “Фан ва технология” 2018 й.

17. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: «O’zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006.- 424 с.

С.Абдухамидов

Факторы определения специализации регионов по видам туризма и оценки их привлекательности

Аннотация. Статья посвящена факторам определения специализации регионов по видам туризма и оценке их привлекательности. В нем представлены состояние специализации по видам туризма туристских регионов Узбекистана, этапы процесса оценки туристско-рекреационных ресурсов, случайные факторы, которые следует учитывать при оценке привлекательности туристского региона, а также По результатам исследования разрабатываются выводы и рекомендации.

Ключевые слова. туризм, региональный туризм, виды туризма, экотуризм, гастрономический туризм, геоинформационная система, туристический продукт, туризм исторических мест, археологический туризм, рекреационный туризм, паломнический туризм, охотничий туризм

S.Abduhamidov

Factors for determining the specialization of regions by type of tourism and assessing their attractiveness

Abstract. The article is devoted to the factors determining the specialization of regions by type of tourism and assessing their attractiveness. It presents the state of specialization by type of tourism in the tourist regions of Uzbekistan, the stages of the process of assessing tourist and recreational resources, random factors that should be taken into account when assessing the attractiveness of a tourist region, and conclusions and recommendations are developed based on the results of the study.

Keywords. tourism, regional tourism, types of tourism, ecotourism, gastronomic tourism, geographic information system, tourism product, tourism of historical places, archaeological tourism, recreational tourism, pilgrimage tourism, hunting tourism